“Boshtransloyiha” транспорт бўйича бош лойиҳа-қидирув институти акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши
Баённомаси

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а уй, “Boshtransloyiha” АЖ маъмурий биноси.

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2025 йил 18 июль, соат 15: 00.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш вақти: соат 14-00 дан 14-50 гача.

Жамият овоз берувчи акцияларининг умумий сони: 4 453 008 та овозни ташкил этади.

Йиғилишда иштирок этган акциядорлар:

1. “TRANS ENGINEERING GROUP” МЧЖ номидан – ишончли вакил Бочкарев Андрей Юрьевич, 2 306 880 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 51,80 фоизни ташкил этади;

2. “NEFTGAZDEPOZIT” МЧЖ номидан – ишончли вакил Синдаров Хасан Нуриддинович, 13 400 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 0,30 фоизни ташкил этади;

3. жисмоний шахслар – 507 015 дона оддий эгасининг номи ёзилган акциялар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга, акцияларнинг умумий сонига нисбатан 11,39 фоизни ташкил этади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этган шахсларнинг умумий овозлар сони: 2 827 295 овоз ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг 63,49 фоизини ташкил этади.

Йиғилишда иштирок этиш учун қуйидаги шахслар таклиф этилди:

“Boshtransloyiha” АЖ бош директори - Рузиев Рустам Васикович;

“Boshtransloyiha” АЖ Молия (Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш) директори - Расулев Ардашер Алишерович;

“Boshtransloyiha” АЖ ички аудит бўлим бошлиғи - Файзиева Мухайё Тоиржановна;

“Boshtransloyiha” АЖ корпоратив маслаҳатчиси - Юлдашев Улуғбек Михлибаевич ва бошқалар.

Йиғилишда саноқ комиссия вазифасини Кузатув кенгашининг 2025 йил 04 июндаги мажлис қарори билан тузилган таркибда – М.Р.Абдуллоев, У.М.Юлдашев ва Е.А.Рогожкиналар олиб бордилар.

У.М.Юлдашев Йиғилиш иштирокчиларига кворум 63,49 фоизни ташкил этиши ва Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 68- моддасига мувофиқ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ваколатли ҳисобланишини маълум қилди.

Юқорида номи қайд этилган қонуннинг 58-моддасига кўра, акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб бор борилади.

Шунга кўра Йиғилишни Кузатув кенгашининг раиси Аминов Рустам Анварович узурли сабабли қатнашаолмаганлиги сабабли, Кузатув кенгашининг аъзоси Махкамов Бахром Эминович олиб борди.

Акциядорлар умумий йиғилиши раиси Б.Э. Махкамов акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва қуйидаги овоз бериш тартибини таклиф қилди:

- Раёсатни ва котибиятни сайлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Йиғилиш регламентини тасдиқлаш бўйича қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилиниши;
- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар яширин овоз бериш йўли билан (бюллетенлар орқали) қабул қилиниши.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 2 827 295 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Қуйидаги овоз бериш тартиби тасдиқлансин:

- Раёсатни ва котибиятни сайлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, Йиғилиш регламентини тасдиқлаш бўйича қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади;
- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар яширин овоз бериш йўли билан (бюллетенлар орқали) қабул қилинади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилишнинг ишчи органлари - Раёсат ва мажлис котибиятини сайлаш лозим. Раёсат таркибига уч кишини қуйидаги таркибда тасдиқлаш таклиф этилди:

1.– Кузатув кенгаши раиси.

2. Эргашев Алишер Рахматиллаевич - Кузатув кенгаши аъзоси.

3. Аълаев Акрам Турсунович – Кузатув кенгаши аъзоси.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 2 827 295 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Йиллик умумий йиғилиш баённомасини юритиш учун Юлдашев Улуғбек Михлибаевични мажлис котиби этиб сайлаш таклиф этилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 2 827 295 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

- Йиғилиш Раёсати қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Махкамов Бахром Эминович - Кузатув кенгаши аъзоси;
2. Бочкарев Андрей Юрьевич – Кузатув кенгаши аъзоси;
3. Рузиев Рустам Васикович - Кузатув кенгаши аъзоси.

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич йиғилиш котиби этиб тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси Б.Э.Махкамов акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- саволлар ёзма равишда берилади ва котибиятга тақдим этилади;
- нутқ сўзлаш учун ариза котибиятга тақдим этилади;
- савол бўйича маъруза вақти - 5-10 дақиқа;
– қўшимча маъруза учун вақт - 5 дақиқа;
- музокаралар учун нутқ вақти – 3 дақиқа;
- саволлар ва саволларга жавоблар учун – 5 дақиқа (умумий вақт);
- овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги охирги масала бўйича овоз берилгандан сўнг танаффус - 10 дақиқа.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: Ёқлайман – 2 827 295 овоз (бир овоздан), қарши ва бетарафлар йўқ.

Қабул қилинган қарор:

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- саволлар ёзма равишда берилади ва котибиятга тақдим этилади;
- нутқ сўзлаш учун ариза котибиятга тақдим этилади;
- савол бўйича маъруза вақти - 5-10 дақиқа;
– қўшимча маъруза учун вақт - 5 дақиқа;
- музокаралар учун нутқ вақти – 3 дақиқа;
- саволлар ва саволларга жавоблар учун – 5 дақиқа (умумий вақт);
- овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа;
- Кун тартибидаги охирги масала бўйича овоз берилгандан сўнг танаффус - 10 дақиқа.

Йиғилиш раиси Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказилиши ва кун тартиби “Биржа” газетасининг 2025 йил 05 июндаги 45 (3239)- сонли ва 2025 йил 26 июндаги 51 (3245)- сонли нашрларида чоп этилганлигини қайд этди ва кун тартиби мухокамасига ўтишни таклиф қилди.

Кун тартиби:

1) Саноқ комиссияси аъзоларининг сон ва шахсий таркибини ва ваколат муддатини тасдиқлаш.

2) “Boshtransloyiha”АЖ фаолиятининг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

3) “Boshtransloyiha”АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

4) Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

5) Жамият томонидан 2024 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шаклини, тартибини ва тўлаш муддатни аниқлаш, жамият бошқарув органларига тўловлар ва компенсация тўлаш.

6) “Boshtransloyiha”АЖ Бош директорини тайинлаш.

7) «Boshtransloyiha» АЖнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2025 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

8) Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.

9) “Boshtransloyiha”АЖнинг 2024 йил учун Бизнес-режасини тасдиқлаш.

1.Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан раислик қилувчи Б.Э.Махкамов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига мувофиқ овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини маълум қилиб Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил 04 июндаги қарори билан қуйидагилардан иборат саноқ комиссияси тузилганлигини қайд этди:

- Абдуллоев Мухаммаджон Рахим ўғли - «Boshtransloyiha» АЖ иккинчи даражали муҳандиси;

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич – «Boshtransloyiha» АЖ корпоратив маслаҳатчиси;

- Рогожкина Елена Алексеевна - «Boshtransloyiha» АЖ ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш хизмати раҳбари.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 (уч) кишидан иборат таркибда тасдиқлаш.

2. Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлаш:

- Абдуллоев Мухаммаджон Рахим ўғли - «Boshtransloyiha» АЖ иккинчи даражали муҳандиси;
- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич – «Boshtransloyiha» АЖ корпоратив маслаҳатчиси;
- Рогожкина Елена Алексеевна - «Boshtransloyiha» АЖ ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш хизмати раҳбари.

Овоз бериш натижалари:

“ёқлайман” – 2 827 295 овоз, 100 фоиз, “қарши” ва “бетарафлар” - йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1. Саноқ комиссиясининг таркиби 3 (уч) кишидан иборат таркибда тасдиқлансин.

2. Саноқ комиссиясининг шахсий таркиби қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлансин:

Абдуллоев Мухаммаджон Рахим ўғли - «Boshtransloyiha» АЖ иккинчи даражали муҳандиси;

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич – «Boshtransloyiha» АЖ корпоратив маслаҳатчиси;

- Рогожкина Елена Алексеевна - «Boshtransloyiha» АЖ ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш хизмати раҳбари.

2.Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Бош директор Р.В.Рузиев “Boshtransloyiha” акциядорлик жамиятининг 2024 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва 2024 йилга мўлжалланган Бизнес-режанинг бажарилиши юзасидан ҳисоботи тақдим этилди.

Маҳсулот сотишдан тушган умумий соф тушум 42 693 464,0 минг сўмни ташкил этиб, шундан 29 967 727,0 минг сўми (ҚҚСсиз кўрсатилган) ўз кучи билан бажарилган бўлиб, бизнес-режа кўрсаткичи 113,5 фоизга бажарилган, маҳсулот таннархи 23 719 990,0 минг сўм (тарифлар ва иш ҳажмининг ошиши ҳисобига 12,2 фоизга кўп), солиқ тўлангунга қадар фойда 1 222 777,0 минг сўм (6,5 фоизга кўп), соф фойда 940 333,0 минг сўм (5,1 фоизга кўп) ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорига асосан 2024 йил якунлари бўйича “Boshtransloyiha” АЖ ижроия органи самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи 125,2 фоизни (юқори) ташкил қилди (хисоб-китоблар баённомага илова қилинади).

Жамият 2024 йил молиявий – хўжалик фаолиятининг якуни бўйича СМК ва СЙК курсаткичлари “TTT-AUDIT” МЧЖ Аудиторлик ташкилоти томонидан аудитдан ўтказилган бўлиб, 2025 йил 29 майда ижобий хулосаси берилган.

Бундан ташқари, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 02 ноябрдаги 952/01-08 сонли хатига мувофиқ қуйидаги маълумотлар тақдим этилди:

Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган бизнес-режа доирасида тасдиқланган инвестиция дастури асосида “Boshtransloyiha” АЖни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш чора-тадбирлари белгиланган. Мазкур тадбир бўйича 2024 йил давомида 2 859,1 млн.сўмлик қуйидаги инвестициялар амалга оширилди, шундан:

- конструктор ва геодезиячилар учун дастурий таъминот харид қилиш учун – 1 159,0 млн.сўм;
- маъмурий бинолар, жиҳозлар, машина ва механизмларни таъмирлаш учун – 1 676,1 млн.сўм;
- бошқа инвестициялар – 24 млн.сўм.

“Boshtransloyiha” АЖ ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларида иштирок этмайди.

Жамият томонидан бажариладиган хизматлар Республика ҳудудида амалга оширилиши сабабли 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режага хизматлар экспорти киритилмаган бўлсада 2024 йил давомида 2 473,0 млн сўмлик (умумий ишлар хажмида 5,73 фоизни ташкил этади) хизматлар экспорти амалга оширилган.

2024 йиллик баланс маълумотларига кўра, Жамиятнинг дебиторлик қарзи давр бошига 10 917 493,0 минг сўмни, давр охирига 17 246 069,0 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, Жамиятнинг муддати ўтган дебиторлик қарзи йўқлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, 2024 йил бухгалтерия баланси бўйича кредиторлик қарзлар давр бошига 3 259 948,0 минг сўмни, давр охирида 12 417 661,0 минг сўмни ташкил этди. Жамиятнинг муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд эмас.

2024 йил якунлари бўйича давлат бюджетига 11 420 643,0 минг сўмлик тўловлар амалга оширилди, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,77 фоизга кўп.

Бугунги кунда Жамиятда иш ҳақи бўйича қарздорлик мавжуд эмас.

Шунингдек, Жамият ижроия органи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли тайёрлаш ва қўшимча ишларни жалб этиш бўйича барча чоралар кўрилмоқда.

Ўз навбатида, Жамият 2024 йил молиявий – хўжалик фаолиятининг якуни "TTT-AUDIT" МЧЖ Аудиторлик ташкилоти томонидан аудитдан ўтказилган бўлиб, 2025 йил 29 майда ижобий хулосаси берилган.

"Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги 207-сонли Қарорнинг 31-бандига асосан Жамият 2024 йил якунлари бўйича СМК ни Давлат активларини бошқариш агентлигига агентликнинг веб-сайтида махсус формани тўлдириш орқали 2025 йилнинг 15 февралига қадар тақдим қилинган.

Ҳисобот даври якунига кўра жамиятда ташқи қарз мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4611-сонли Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг бухгалтерия бўлими ходимлари молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини ўргатиш бўйича бухгалтерларни халқаро сертификатлаш (АССА) доирасида ташкил қилинган "Молия ва бизнес бошқаруви" курсларига юборилган. Хозирги кунда Жамиятнинг ички аудит хизмати бошлиғи Файзиева Мухайё Тоиржоновна "Халқаро молиявий ҳисобот бўйича Дипломга (ДипИФР)" эга.

Жамият ижроия органи кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган қуйидаги вазифаларни амалга оширилганлиги қайд этилди:

- 2023 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендлар ўрнатилган муддатларда тўлаб берилгани;
- Асосий воситаларни янгилаш бўйича чоралар кўрилаётгани;
- Дебитор ҳамда кредитор қарздорликлар ва бизнес режа параметрлари бажарилиши доимий равишда мониторинг қилинаётгани;
- Харажатлар мувофиқлаштириб борилаётгани;
- Жамият ходимларининг доимий тарзда малакаси оширилаётгани ва бошқалар.

Муҳокама давомида Кузатув кенгаши аъзоси Б.Э.Махкамов Давлат активларини бошқариш агентлигининг (Давактив агентлиги) 2025 йил 03 июндаги 02/09-1-17/1695 сонли хати билан таништирди. Унда Давактив агентлиги томонидан жамиятнинг ҳисобот давридаги фаолияти ўтган йилги фаолиятининг шу даврига нисбатан ва 2024 йилга мўлжалланган Бизнес-режага мувофиқ таҳлил қилинган. Масалан, маҳсулот (хизматлар) таннархи 36,44 млрд.сўмни ташкил этгани ёки таннархнинг соф тушумдаги улуши 85,3 фоизни ташкил этганлиги, бунда таннарх ўтган йилнинг мос даврига (83,9 фоиз) нисбатан ўртача 1,3 фоизга кўпайгани, дебиторлик қарзлар 17,48 млрд. сўмни ташкил этгани ва йил бошига (5,4 млрд. сўм) нисбатан 0,25 млрд.сўмга кўпайгани, белгиланган (4,43 млрд. сўм) режа 128,5 фоизни ташкил этганлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш регламенти"га асосан Жамиятнинг молиявий ҳолати қуйидагиларни акс эттирган:

- активлар рентабеллик коэффициенти 0,06 (меъёр 0,05 дан паст эмас);
- тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффициенти 1,86 (меъёр 1,25 дан паст эмас);
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи 0,46 (меъёр 0,2 дан паст эмас);
- асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти 0,87 (меъёр 0,5 дан юқори эмас);
- ҳусусий маблағлар ва қисқа муддатли қарзларнинг ўзаро нисбати коэффициенти 0,93 (меъёр 1,0 дан паст эмас).

Таҳлил натижаларига кўра жамият асосий воситалари эскирган, молиявий хатар ҳолатида эканлиги айтиб ўтилди.

Шундан сўнг, Р.В. Рузиев тушунтириш билан сўзга чиқиб, молиявий ҳисоботда бажарилган хизматлар бўйича субпудрат ишларини ҳисобга олган ҳолда сумма кўрсатилганлигини, харажатларнинг ошиши ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа материаллар, шу жумладан ходимлар иш ҳақининг ошиши билан, хамда жамият иш хажмини пасайиши республикада темир йўл қурилиши ишларини бир мунча камайганлигига боғлиқлигини тушунтириб ўтди, шу билан бирга Жамият 2024 йилда қўшимча экспорт хизматларини йўлга қўйилганлиги қайд этилди.

Ушбу холат юзасида Р.В. Рузиев тушунтириш билан сўзга чиқиб, молиявий ҳисоботда бажарилган хизматлар бўйича субпудрат ишларини ҳисобга олган ҳолда сумма кўрсатилганлигини, харажатларнинг ошиши ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа материаллар, шу жумладан ходимларнинг иш ҳақи нархининг ошиши билан, хамда жамият иш хажмини пасайиши республикада темир йўл қурилиши ишларини бир мунча камайганлигига боғлиқлигини тушунтириб ўтди.Таҳлил натижалари корхонанинг асосий воситаларининг эскириш даражаси меъёрдан юқорилиги қайд этилган.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. "Boshtransloyiha" АЖ Бош директорининг 2024 йилдаги фаолиятини қониқарли деб топиш.
2. "Boshtransloyiha" АЖ фаолиятининг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ва Бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 520 415 овоз, 18,41 фоиз, "қарши" - 2 306 880 овоз, 81,59 фоиз, "бетарафлар" - йўқ.

Қарор қабул қилинмади.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан раислик қилувчи Б.Э.Махкамов Жамият Кузатув кенгаши томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишлари ва қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги хисоботи билан акциядорларни таништирди.

2024 йилда Жамият Кузатув кенгашининг 9 та мажлиси ўтказилиб, уларда 40 дан ортиқ масалалар кўриб чиқилганлигини ва иккита акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилганлигини маълум қилди.

Жумладан, умумий йиғилишларни чақириш, соф фойдани тақсимлаш, дивидендлар тўлаш бўйича умумий йиғилишга тавсиялар бериш, жамият ички меъерий хужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ бўлган тавсияларни бериш, молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича чораклик ҳисоботлар, бизнес-режасининг бажарилиши, Кузатув кенгаши ва ички аудит хизмати иш режалари тасдиқлаш, ички аудит хизмати ходимлари аттестациядан ўтказиш, Фонд биржаси котировка варағига киритилиши ва шу каби бошқа Жамият фаолиятидаги устувор масалалар кўриб чиқилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йилда амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи илова қилинади.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масала овозга қўйилди:

1. "Boshtransloyiha" АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилиш ва Жамияти Кузатув кенгашининг 2024 йилдаги мажлис (баённомалари) қарорлари тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 2 827 295 овоз, 100 фоиз, "қарши" ва "бетарафлар" - йўқ.

Қабул қилинган қарор:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва Жамияти Кузатув кенгашининг 2024 йилдаги мажлис (баённомалари) қарорлари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Жамиятнинг Молия бўйича Бош директор ўринбосари Расулев А.А. сўзга чиқиб, Жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизими мустақил баҳоловчи ташкилот "BALANS-INFORUM-AUDIT" МЧЖ АТ томонидан ўтказилганлигини маълум қилди.

Мустақил баҳоловчи томонидан Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими қонунчиликда белгиланган тартибда баҳоланиб, тегишли хулоса тақдим қилинди. Хулосага кўра Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими максимал 1200 баллдан **762 баллни** ёки **64%** га баҳолангани ва Жамият корпоратив бошқарув тизимига **"юқори"** даража берилгани қайд этилди.

Мустақил баҳоловчи томонидан Жамият корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш учун тавсиялар берилганлиги қайд этилди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. "Boshtransloyiha" АЖ Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилиш ва маъқуллаш.
2. "Boshtransloyiha" АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўриш.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 2 827 295 овоз, 100 фоиз, "қарши" ва "бетарафлар" - йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1.«Boshtransloyiha» АЖ Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.

2.«Boshtransloyiha» АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўрилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Жамият Бош директори Р.В.Рузиев сўзга чиқиб Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олган 940 333,0 минг сўм миқдоридаги соф фойдани, дивиденд хисоблаш билан бирга тақсимлаш тавсияси Жамият кузатув кенгаши томонидан берилганлигини маълум қилди.

Ўзбектсон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 34-моддаси ҳамда Жамият Уставига асосан Жамият устав фондининг 15 фоизи миқдорида захира фонди шакллантирилиши, ушбу миқдорга етугнча Жамият хар йили соф фойданинг 5 фоизини захира фондига йўналтирилиши белгиланган.

Жамият бухгалтерия маълумотларига асосан 2025 йилнинг 01 январ холатига Жамият заҳира фонди 677 567 437,35 сўм миқдорида шаклланганлиги, бу эса Жамият устав фондига (4 453 008 000 сўм) нисбатан 15,21 фоизни ташкил қилиши ва Жамият захира фондига қўшимча маблағ ажратиш зарурати йўқлиги маълум қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамиятнинг 2024 йилдаги соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилишига тавсиялар киритилган:

№	Соф фойдани тақсимлаш бўйича чора-тадбир	2024 йил бўйича	
		%	Миқдори
1	Дивиденд хисоблаш	50,67%	476 471 856,0 сўм
	акциялар сони		4 453 008 дона
	Бир дона акцияга хисобланган дивиденд		107 сўм/акция
2	Тақсимланмаган фойдада қоладиган қисми	49,33%	463 861 144,0 сўм
	Итого	**100,0%**	**940 333 000,0 сўм**

Шунингдек, молиявий натижаларни шакллантиришда иштирок этган бошқарув орган аъзолари (кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари)га соф фойданинг 7 фоизи, 65 823 310,0 сўм миқдорида йиллик ҳақ тўлаш таклиф этилди (илгари тўланган чораклик мукофотлари бундан мустасно). ҚЎшимча равишда "Boshtransloyiha" АЖ Молия (Иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш) директори - Расулев А.А. тўланадиган мукофот Жамиятнинг давр харажатлари ҳисобга олинишини тушунтирди.

Юқоридаги масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва қуйидаги масалалар овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2024 йил якуни бўйича олган 940 333 000 сўм миқдоридаги соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлаш:

• дивиденд тўлови учун – 476 471 856,0 сўм ёки соф фойданинг 50,67% қисми;

• Тақсимланмаган фойда сифатида қолдириш учун - 463 861 144,0 сўм ёки соф фойданинг 49,33% қисми;

2. Бир дона жойлаштирилган акция учун дивиденд миқдорини 107,00 сўм миқдорида белгилаш.

3. Ҳисобланган дивидендлар 2025 йил 01 августдан 2025 йил 16 сентябрга қадар пул маблағлари кўринишида қонунчиликда белгиланган тартибида тўлаш.

4. Жамият бошқарув орган аъзолари (кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари)га соф фойданинг 7,0 фоизи, яъни 65 823 310,0 сўм миқдорида йиллик мукофотни тўлаш (илгари тўланган чораклик мукофотлар бундан мустасно). Мукофот тўловлар жорий давр харажатларига киритиш.

5. Бошқарув орган мукофот тўловларини иловага мувофиқ тақсимлаш.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 2 827 295 овоз, 100 фоиз, "қарши" ва "бетарафлар" - йўқ.

Қабул қилинган қарорлар:

1.«Boshtransloyiha» АЖнинг 2024 йил якуни бўйича олган 940 333 000 сўм миқдоридаги соф фойдаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:

-дивиденд тўлови учун - 476 471 856,0 сўм ёки соф фойданинг 50,67% қисми;

-тақсимланмаган фойда сифатида қолдириш учун - 463 861 144,0 сўм ёки соф фойданинг 49,33% қисми;

2.Бир дона жойлаштирилган акция учун дивиденд миқдори 107,00 сўм миқдорида белгилансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар 2025 йил 01 августдан 2025 йил 16 сентябрга қадар пул маблағлари кўринишида қонунчиликда белгиланган тартибда тўлансин.

4. Жамият бошқарув орган аъзолари (кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари)га соф фойданинг 7,0 фоизи, яъни 65 823 310,0 сўм миқдорида йиллик мукофот тўлансин (илгари тўланган чораклик мукофотлар бундан мустасно). Мукофот тўловлар жорий давр харажатларига киритилсин.

5.Бошқарув орган мукофот тўловлари иловага мувофиқ тақсимлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан раислик қилувчи Б.Э.Махкамов сўзга чиқиб 2022 йил 28 июндаги йиллик умумий йиғилиши қарори билан Жамият Бош директори ваколати 3 йиллик муддат қилиб белгиланганлиги, Кузатув кенгашининг 2025 йил 04 июндаги мажлисида Жамиятнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботи дастлабки тарзда маъқулланган сабабли Жамият Бош директори Р.В.Рузиев билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 79-моддасига мувофиқ узайтириш бўйича акциядорлар умумий йиғилшига тавсия киритилганлигини маълум қилди.

(Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 79- моддаси саккизинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ-760-сонли Қонуни таҳририда қуйидагича белгиланган — Жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши лозим.)

Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланиши қайд этилди.

Ушбу масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖ Бош директори этиб Рузиев Рустам Васикович тайинлансин ва у билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси тузилсин, бунда шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили умумий йиғилиш томонидан қарор қабул қилинишинни белгилаш.

2.Бош директори билан Жамият номидан меҳнат шартномасини имзолаш Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатиш.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 520 415 овоз, 18,41 фоиз, "қарши" - 2 306 880 овоз, 81,59 фоиз, "бетарафлар" - йўқ.

Қарор қабул қилинмади.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан Жамият Бош директори ўринбосари Молия бўйича директор Расулев А.А. мажлис қатнашчиларга Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботларини Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш зарурлигини маълум қилиб, қуйидаги аудиторлик компанияларидан олинган тижорат таклифлари бўйича маълумотлар билан таништирди:

№	Ташкилот номланиши	БХМС бўйича хизмат нархи, сўм	ХМХС бўйича хизмат нархи, сўм
1	МЧЖ АТ "AUDIT-RUMANS"	44 800 000	50 400 000
2	МЧЖ АТ "NAZORAT-AUDIT"	33 600 000	35 840 000
3	МЧЖ АТ "SMART AUDIT"	19 600 000	21 600 000
4	МЧЖ АТ «TTT-AUDIT»	65 000 000	65 000 000

Жамиятнинг 2025 йилдаги молиявий – хўжалик фаолияти якунлари бўйича молиявий хисоботнинг миллий ва халқаро стандартларига мувофиқ аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2025 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини (СМК, СЙК ва уларнинг йил якунлари бўйича бажариш ҳисоби) текширилиши қайд этилди.

Жамият уставининг 10.6.- бандга мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, ЎзР "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 102- моддасига мувофиқ, Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи

аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

Шу муносабат билан Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан сўнг ошкор этилишини таъминлаш зарур.

Жамиятда 2025 йил молиявий – хўжалик фаолиятини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш, шунингдек, 2025 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича Жамиятга келиб тушган тўртта номзодлар Кузатув кенгаши тмонидан акциядорлар умумий йиғилишига тавсия этилган: АО ООО "AUDIT-RUMANS", АО ООО "NAZORAT-AUDIT", АО ООО "SMART AUDIT".

Ушбу масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

1.Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, шунингдек, 2025 йил учун ҳисобланган СМК ва СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб, «Audit-Rumans» МЧЖ АТ тасдиқлаш ва унинг хизмат ҳақи миқдори 95,20 млн.сўм этиб белгилаш.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – йўқ, "қарши" - 2 827 295 овоз, 100 фоиз, "бетарафлар" - йўқ.

1.Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, шунингдек, 2025 йил учун ҳисобланган СМК ва СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб, «Nazorat-Audit» МЧЖ АТ тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори 69,44 млн.сўм этиб белгилансин.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – йўқ, "қарши" - 2 827 295 овоз, 100 фоиз, "бетарафлар" - йўқ.

1.Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, шунингдек, 2025 йил учун ҳисобланган СМК ва СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб, «Smart Audit» МЧЖ АТ тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори 41,20 млн.сўм этиб белгилансин.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – 2 827 295 овоз, 100 фоиз, "қарши" ва "бетарафлар" - йўқ.

1.Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, шунингдек, 2025 йил учун ҳисобланган СМК ва СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб, «TTT Audit» МЧЖ АТ тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори 130,00 млн.сўм этиб белгилансин.

Овоз бериш натижалари:
"ёқлайман" – 13 400 овоз, 0,47 фоиз, "қарши" - 2 813 895 овоз, 99,53 фоиз ва "бетарафлар" - йўқ.

Қабул қилинган қарор:
1.Жамиятнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, шунингдек, 2025 йил учун ҳисобланган СМК ва СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб, «Smart Audit» МЧЖ АТ тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори 41,20 млн.сўм этиб белгилансин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан Жамиятнинг Молия бўйича Бош директор ўринбосари А.А. Расулев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 88-моддасига мувофиқ Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлигини маълум қилди.

Шунингдек, қонунчиликка мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаши ва белгилаши мумкинлиги билдирилди.

Жамиятнинг ҳозирги кунда 537 дан ошиқ аффилланган шахси мавжуд бўлиб, бир қисми "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тизимдаги корхоналар ҳисобланади. Жамият кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида зарур холатларда аффиланган шахслар билан тузиладиган битимларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилиш ўтказилганга кадар мустақил равишда битимни (битимларни) тузилиши акциядорлар умумий йиғилишида маъқулланиши лозим.

Ижро органи томонидан акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда аффилланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар иловага асосан киритилмоқда.

Масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

1. "Boshtransloyiha" АЖнинг аффилланган шахслари билан 2025-2026 йиллар давомида тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни иловага мувофиқ тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 2 827 295 овоз, 100 фоиз, "қарши" ва "бетарафлар" - йўқ.

Қабул қилинган қарор:

1."Boshtransloyiha" АЖнинг аффилланган шахслари билан 2024-2025 йиллар давомида тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан Жамиятнинг Бош директори Рузиев Р.В. сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси билан таништирди.

Жамиятнинг 2025 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси 2024 йил 27 ноябрдаги кузатув кенгаши мажлисида маъқулланганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддасига ва Уставига мувофиқ жамият Бизнес-режасини тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши қайд этилди.

Муҳокама бўлиб ўтди, унинг давомида Р.В.Рузиев 2025 йил учун тақдим этилган Бизнес-режа юзасидан акциядорларнинг барча саволларига жавоб берди.

Масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2025 йил учун Бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

"ёқлайман" – 2 827 295 овоз, 100 фоиз, "қарши" ва "бетарафлар" - йўқ.

Қабул қилинган қарор:

1. «Boshtransloyiha» АЖнинг 2025 йил учун Бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини якунлади, Йиғилиш раиси Б.Э.Махкамов Акциядорлар умумий йиғилиши иштирокчиларига йиғилишда қатнашганлиги учун миннатдорчилик билдирди ва йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома икки нусхада тузилди ва 2025 йил __ _____ имзоланди.

Йиғилиш раиси **Б.Э.Махкамов**

Йиғилиш котиби **У.М. Юлдашев**